Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 13 июль сешанба

Сотувда эркин нархда

№ 137 (2175)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Б.Э.Хўжаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳодир Эргашевич Хўжаев Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Т.Набиевни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Тўлаган Набиев пенсияга чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев раҳбарлигидаги делегация аъзолари 10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Учрашув чоғида Парламент Раиси меҳмонларга Ўзбекистон қонун чиқарувчи органининг фаолияти, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларнинг амалга оширилишида Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамияти ҳақида гапириб берди.

Учрашувда Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси парламенти ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш хусусида фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Юнусов иштирок этди.

Олий Мажлисга ташриф чоғида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ботирали Сиддиқов ҳозир бўлди.

Қирғизистон Бош вазири шу куни ўз ватанига жўнаб кетди.

(ЎзА)

ИЖТИМОИЙ МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Вазирлар Маҳкамасида ижтимоий мажмуа йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар боришининг ҳамда "Аёллар йили давлат дастури" бажарилишининг 1999 йил биринчи ярим йиллик натижалари кўриб чиқилди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.

Кун тартибидаги масала юзасидан олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Туломов, "Ўзфармсаноат" давлат акционерлик концерни раиси Қ.Шодиев, "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б.Ҳусанбоев, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси раиси Г.Йўлдошева ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Тўлаганов ҳисобот бердилар.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида яқин келажакда Ўзбекистонни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ йўлларини белгилаб берган эди. Шу маърузадан келиб чиққан ҳолда ўтган ярим йилда мамлакатимизда ижтимоий соҳада муайян ишлар амалга оширилди. Жойларда "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш ишларига катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг сентябрида республика бўйича 15 та академик лицей ва 102 та касб-ҳунар коллежлари ишга туширилади. Бу иш Андижон, Бухоро, Сирдарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида кўнгилдагидек олиб бориляпти. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида эса бу борадаги ишлар қониқарсиз аҳволда.

Давлатимиз раҳбари 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди. Бу борада Давлат дастури ишлаб чиқилди. Жорий йилнинг олти ойида Дастурни амалга ошириш, аёллар манфаатларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, давлат, жамият қурилишида уларнинг ролини ошириш борасида муайян ютуқларга эришилди. Келажакда бу ишларни ривожлантириш, камтаъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни яна ҳам яхшилаш зарур. "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар бу ишларни ҳаётга татбиқ этишда ташаббус кўрсатиши лозим.

Республикада эпидемиологик мувозанатни сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Аҳолининг дори-дармонга бўлган талабини қондириш, касалхоналарни замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозлаш муаммолари ҳам аста-секин ўз ечимини топяпти. Шу йилнинг олти ойида биргина "Ўзфармсаноат" давлат акционерлик концерни томонидан бир миллиард 161 миллион сўмлик дори-дармон ишлаб чиқарилди. Лекин шу билан бирга ички имкониятларни тўла ишга солмай четдан қимматбаҳо дориларни келтириш давом этмоқда. "Дори-дармон" уюшмаси "Ўзфармсаноат" маҳсулотларидан ички бозорда кенг фойдаланиш ўрнига четдан валютага маҳсулот келтиришни афзал билмоқда. Ахир ўзимизда худди шу турдаги дори ишлаб чиқарилаётган бир пайтда уни валютага хориждан келтириш шартми?

Йиғилишда мамлакатимизда сайёҳликни, спортни ривожлантириш ҳам доимо ҳукуматнинг диққат марказида эканлиги таъкидланди. Туризмни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам спорт иншоотлари қуришга эътиборни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Мажлисда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, идора ва муассаса раҳбарларига зиммаларига юклатилган иш учун масъулиятни кучайтириш, талабчанликни ошириш, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари, Дастурларнинг изчил бажарилишига эришиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА)






ФОТО РЕПОРТАЖ

ИСТИҚЛОЛ КЎПРИКЛАРИ

Мустақиллик тўйининг 8 йиллиги арафасида пойтахт кўчалари бўйлаб кезар экансан, буюк иншоотлар, муҳташам биноларни кўриб, кўзинг қувонади. Бир томонда эса қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Гўё Ўзбекистон улкан қурилишлар мамлакатига ўхшайди.







Қўйлиқ бозори кенгайганидан сўнг, табиийки, бу ерда транспорт қатнови ҳам кўпайди. Бозор билан Бектемир шаҳрини боғлаб турадиган кўприк машиналар оқимига торлик қилиб қолди. Шу йил кўкламда эса Чирчиқ дарёси устидан худди чет эллардагидек улкан кўприк қурилиши бошланди. «Тошйўлқурилиш» бошқармаси бош пудратчи бўлди. Айни вақтда бу ерда бошқарманинг 1-йўл қурилиш участкаси йўлсозлари билан биргаликда мамлакатимиз вилоятларидан келган қурувчилар ҳамкорликда шижоатли меҳнат қилишмоқда.

Қурувчиларнинг таъкидлашича, мустақиллик байрами арафасида бу Истиқлол кўприги фойдаланишга топширилади.

СУРАТЛАРДА: кранчи Неъмат Ҳайитмаматов; геодезист Оллоберган Йўлдошев; кўприкнинг умумий кўриниши ва қурилиш жараёни.

В. ПОРТНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ФАРМОЙИШИ

1. 1999 йил июль ойида рўй берган табиий офатдан зарар кўрган Тожикистоннинг Ленинобод вилояти аҳолисига мурувват ёрдами кўрсатиш мақсадида қуйидаги қурилиш материаллари бепул ажратилсин:

цемент — 201 тонна

шифер — 47 минг шартли плита

ойна — 3171 кв.м

ғишт — 40 минг дона

2. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси (Низомов) кўрсатиб ўтилган юкларнинг ўз вақтида ортиб жўнатилишини таъминласин.

3. Белгилансинки, маҳсулотларнинг таннархи ва етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси тузилмасига кирувчи маҳсулот етказиб берувчи корхоналар харажатларига киритилади ва даромад (фойда)га солиқ солишни ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базани камайтириш ҳисобига ҳисобдан чиқарилади.

"Ўзбекистон темир йўллари" компанияси (Эрметов) буюртманома бўйича вагонлар ажратсин, маҳсулотларни ташиш бўйича транспорт харажатларини асосий фаолият хизматларининг таннархига киритсин.

4. Ички ишлар вазирлиги (Алматов), Давлат божхона қўмитаси (Комилов), Давлат солиқ қўмитаси (Алимбоев) юкларнинг божхона божлари ва бошқа йиғимлар олмасдан тўхтовсиз ўтишини таъминласинлар.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Қосимов) қурилиш материалларини "Хўжанд" станциясида Ленинобод вилоятининг фавқулодда вазиятлар бўйича ваколатли вакилларига берилишини таъминласин.

6. "Ўзтелерадио" компанияси (Кўчимов), ЎзА (Болиев) кўрсатилаётган мурувват ёрдамини телекўрсатувларда ва оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласинлар.

7. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 июль

ШУ СОНГА ХАБАР

ТОШЛОҚЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартнома режасини бажарди. Қабул



пунктларига 12 минг 895 тоннадан ортиқ дон топширилди. Туман ғалла хирмонининг юксалишига "Яккатут", "Заркент", "Фарғона", Х.Маровиқов номли хўжаликлар, "Навбаҳор" ширкат хўжалиги ғаллакорлари салмоқли улуш қўшди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

ОҚ ЙЎЛ, ОФИЦЕРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президенти, республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг ташаббуси билан бундан қарийб тўрт йил муқаддам Тошкентда мамлакат Қуролли Кучлари академияси ташкил этилган эди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бу ҳарбий академиянинг мақсади олий маълумотли командир-мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Ўтган вақт мобайнида бу даргоҳни кўплаб юқори малакали офицер кадрлар муваффақиятли битириб, ҳозирда Қуролли Кучларимизнинг қисм ва қўшилмаларида хизмат қилмоқдалар.

Пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар Марказий офицерлар уйида шу ҳарбий академия навбатдаги битирувчиларини хизмат жойларига кузатишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакат Мудофаа вазирлиги ва мазкур академия раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, битирувчилар, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Қуролли Кучлар академияси бошлиғи, полковник Қ.Туломов очди.

Маросимда Олий ҳарбий таълим билим юрти тингловчиларига академияни битирганликлари ҳақидаги дипломлар ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилди.

Академия тингловчилари икки йиллик таҳсил давомида назария ва амалиётда кенг кўникмалар ҳосил қилдилар. Мудофаа вазирлигининг команда-штаблари машқларида фаол қатнашиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Йиғилишда республика мудофаа вазири, генерал-лейтенант Ҳ.Турсунов сўзга чиқиб, битирувчиларни ҳарбий академияни тамомлаганликлари билан самимий табриклади ва уларга Қуролли Кучларнинг қисм ва қўшилмаларида ўз хизмат бурчларини виждонан адо этиб, мустақил Ватанимизнинг миллий хавфсизлиги ва халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муваффақиятлар тилади.

Битирувчилар номидан сўзга чиққан майор А.Тожиев ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик учун Президентимиз Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдириб, она-Ватанга ва халққа, юртимиз осойишталигини таъминлаш ишига садоқат билан хизмат қилажагини таъкидлади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов қатнашди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

МАЪНАВИЯТ-МАЪРИФАТ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТАШАББУС ГУРУҲИ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасида Маънавият-маърифат республика кенгаши ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда гуруҳ аъзолари — давлат ва жамоат ташкилотлари, вазирликлар, қўмиталар, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари "Ҳушёрликка даъват" номи билан алоҳида китоб шаклида чоп этилди. Унда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштириш, аҳолини, айниқса ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, миллий мафкурани шакллантириш бўйича белгилаб берилган теран фикр-мулоҳазалар, кўрсатмалар барчамизни бу борада чуқур мушоҳада юритишга ва амалий ишларга ундамоқда. Ташаббус гуруҳининг мажлиси ҳам мазкур масалалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди.

Мажлис қатнашчилари шуни қайд этишдики, бугунги кунда мафкуравий кураш нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда ҳам кескин паллага кирди.

Бугун кимнинг мафкураси, маънавияти, миллий ғояси қудратли бўлса, ўша енгиб чиқади. Президентимиз Ислом Каримов ўз асарларида бир неча бор уқтириб ўтганидек, "мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир". Ҳозирги вазиятда қурол-яроғ билан эмас, балки "фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат" билангина курашиб, олға бориш мумкин.

Сўзга чиққанлар мустақил демократик ва фуқаролар дунёвий жамиятини барпо этиш йўлида халқимиз эришаётган ютуқларни, тинч-осойишта турмушимизни кўролмаётган ғаламис кучларнинг хавфсизлигимизга раҳна солиб, ёшларимизни йўлдан уриш, уларнинг онгига бизга ёт бўлган ақидаларни сингдириш борасидаги хатти-ҳаракатларининг пайини қирқиш жамоат ташкилотлари олдида турган долзарб вазифа эканлигини таъкидладилар. Мазкур соҳада муайян ишлар амалга оширилаётганини эътироф этган ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот масалаларида ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани, бу муҳим ишда тарқоқлик, эътиборсизлик, тасодифий тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолинаётганига мажлисда алоҳида эътибор қаратилди. Маънавий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи, ўз фаолияти билан кишиларимиз онгига, тафаккурига, дунёқарашига таъсир кўрсатишга, янги инсонни тарбиялашга дахлдор бўлган ўнлаб давлат ва жамоат ташкилотлари, жамғарма ва ижодий уюшмалар бўлатуриб, бу муҳим вазифа бугунги кун талаблари даражасида бажарилмаётир.

Мажлисда одамлар онгида, тафаккурида туб ўзгаришларга эришмай туриб, кўзланган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо қилиб бўлмаслиги алоҳида қайд этилди. Шу боис ҳам жамиятимизда миллий манфаатларимизга зид ва бузғунчи ғоявий кучларга қарши кураш олиб борадиган самарали тизим шаклланмоғи лозим. Мажлисда афсус билан қайд этилганидек, жойларда маънавий-маърифий ишларга эътибор сусайиб кетган. Хусусан, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар, ҳаётимизни фаровон қилиш, жамиятимизни янгилаш мақсадида олиб борилаётган кураш ва шу эзгу ниятларимизга тўсиқ бўлиб турган муаммолар, дунёда юз бераётган муҳим воқеалар моҳиятини кенг жамоатчиликка содда, ҳаётий мисоллар ёрдамида тезкорлик билан етказиш ишлари қониқарсиз аҳволда. Бу масаланинг нақадар муҳимлигини англаб етмайдиган, унга бепарво муносабатда бўлаётган раҳбарлар ҳам учрайди. Очиғини айтганда, маънавият ва мафкура соҳасидаги тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доирада қолиб кетмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига, айниқса, тажрибасиз, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти.

Бунинг натижасида ҳали онги шаклланмаган, гўр ёшлар ёт таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ёвузлик гирдобига тушиб қолмоқдалар. Мудҳиш февраль воқеалари шуни кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари бугунги долзарб вазифа жамиятимиз барча аъзоларини, энг аввало, вояга етиб келаётган ёш авлодни комрон қилиб камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини мустаҳкамлаш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборат эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Сирасини айтганда, маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, айрим ҳолларда, афсуски кеч қоляпмиз. Юртбошимиз томонидан белгиланган бу вазифалар нега мукаммал бажарилмаяпти? Нега уни ҳаётга татбиқ этишда айрим зиёлиларимиз, хусусан фан арбоблари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, "Маънавият ва маърифат" маркази ходимлари лоқайдлик кўрсатмоқда? Нега улар томошабин бўлиб турибди?

Дарҳақиқат, бугунги кунда мафкуравий кураш, айниқса, комрон авлод тарбияси масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, миллий истиқлол мафкураси ва мустақиллик ғояларини кенг жамоатчилик онгига сингдириш, аҳолининг барча қатламлари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини такомиллаштириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида мунтазам фаолият олиб борадиган самарали тизимни вужудга келтириш учун Маънавият-маърифат республика кенгаши тузиш тўғрисидаги таклиф мажлис иштирокчилари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Сўзга чиққанларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, амалий таклиф ва тавсияларини инобатга олиб, мажлисда Маънавият-маърифат республика Кенгаши ташаббус гуруҳининг қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, бу борадаги ишларни амалга ошириш учун Ташкилий гуруҳ тузиш ва унга бир ой муддат ичида Кенгашнинг таркибий тузилиши, фаолият йўналишлари, мақсад ва вазифалари акс этган Низом ва Дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Кенгаш қошида замонавий билимга эга, миллий мафкура ва истиқлол ғояларини чуқур идрок эта оладиган, уларни кенг жамоатчиликка таъсирчан шаклда етказишга қодир бўлган, фидойи, ватанпарвар зиёлилардан иборат жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи тузиш таклифи ҳам маъқулланди. Кенгашнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўлимларини тузиш, уларга шу масъулиятли вазифага билими ва маънавий-маърифий савияси жиҳатидан мос келадиган ҳокимларнинг бевосита раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Маънавият-маърифат республика кенгашининг таъсис конференциясини 1999 йил 10 августга қадар Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди. Маънавият-маърифат республика Кенгашини тузиш бўйича Ташкилий гуруҳ раҳбари этиб Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов тайинланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов сўзга чиқди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, А.Зиё, Т.Рисқиев, Президентнинг Ахборот-таҳрир хизмати раҳбари М.Муҳаммад Дўст, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳакимов, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Туломова, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА)

ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР — ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТ БЎЛАМАН ДЕГАН АЗИЗ ЁШЛАР!

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида мамлакатимизда илк бор янги халқаро журналистика факультети ташкил этилди. Айни кунларда ушбу факультетга ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Факультетда таҳсил олишнинг эътиборли томони шундаки, талабалик бахтига муяссар бўлган ёшлар бугун жамиятимиз ва давлатимиз учун ўта зарур халқаро журналист касбини мукаммал эгаллаш имкониятларини қўлга киритадилар. Шунингдек, бу даргоҳда халқаро журналистлар учун аҳамиятли — инглиз тили, франсуз, испан, араб, хитой, япон тиллари чуқур ўргатилади.

Азиз ёшлар-қизлар! Мабодо Сизда халқаро журналист бўлиш орзуси ва ишончи тугилган бўлса, фурсатни қўлдан бой бермай ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетига ҳужжатларингизни топширинг. Бу ўз истеъдодингиз ҳамда орзуларингизни рўёбга чиқариш йўлидаги имкониятдир!

Мурожаат учун телефонлар: 43-35-09, 75-89-55, 75-55-57.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Решетов кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети (собиқ Рус тили ва адабиёти олийгоҳи) 35, 20-автобуслар.

МУНОСАБАТ

Ким кимлигини англадик

Ҳаётда бир-бирига қарама-қарши бўлган яхшилик ва ёмонлик, тўғрилик ва эгрилик, ҳалоллик ва текинхўрлик, тинчлик ва беқарорлик каби кўплаб тушунчалар мавжуд. Бу тушунчаларни идрок этиш билан инсон ўз тақдирини белгилайди.

Улардан айримлари устида мулоҳаза юритайлик: лоқайдлик ва фаоллик. Бузғунчилик ва фидойилик. Бу қарама-қарши тушунчалар ҳар доим ёнма-ён юради. Лоқайдлик зўр келса, фаоллик чекинади, бузғунчилик кучаяди. Фаоллик, фидойилик бор жойда бузғунчиликка йўл йўқ. Хўш, фаоллик қачон пайдо бўлади, фидойилик-чи?

Қалби уйғоқ, диёнатли одам ҳаётда фидойи, фаол бўлади. Бугун халқимиз ҳам лоқайд эмас, ҳамюртларимиз ўйлаяпти, воқеаларга муносабат билдираяпти. Демак, уйғоняпти. "Февраль воқеалари" ҳужжатли фильмини кўрган юртдошларимиздан келаётган хатлар, шошилинчномалардан ҳам фаоллик, фидойилик сезилиб турибди.

"Мен иккинчи гуруҳ ногирони бўлсам-да, Яраттанга минг шукур, бахтлиман, — деб ёзган Янгийўл тумани Назарали Ниёзов жамоа хўжалигидан Омина Мамадазимова. — **Саккиз фарзандимнинг онасиман, тоғни урса талқон қиладиган беш ўғлим бор, ўн уч набирамнинг севимли бувижонисиман. Ҳаммасини иймонли, эътиқодли қилиб тарбияляпмиз. Яхшиният билан ўн биринчи набирамга Исломжон деб исм қўйганимиз, болаларимни азиз Юртбошимиз сингари мард ўғлонлар этиб тарбиялаш ҳаётимнинг мазмунини ташкил қилади. Ўғлим Шарифжон ҳозир Термизда чегарачи бўлиб хизмат қилмоқда. Ватанимиз тинчлигини сақлашда ўғлимнинг, оиламизнинг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланаман. Яқинда телевизор орқали Ватан хоинларининг иснодга ботган, ҳиссиз башараларини кўриб, ғазабга тўлдим. Ахир, уларни ҳам она туққан-ку. Уларнинг ҳам отаси бўлган-ку. Ота-она қаерга қараган? Начора, халқимиз ҳар ким экканини ўради, деб билиб айтган".**

Дунёда фарзандларнинг меҳнатидан фахрланиб юришдан ортиқ бахт борми? Инсон бахтга уйғоқ фикр, мақсадни тўғри англаш, меҳнат билан эришади. Лоқайдлик, айниқса оилада фарзанд тарбиясидаги эътиборсизлик, бу — эртанги кунда олдимизга қўйилаётган тўсиқ, эртага юзага чиқадиган муаммолардир.

Шу маънода республика Олий судида жиноий иши кўрилган 22 нафар жиноятчиларнинг ота-оналари бугун қандай аҳволда эканликларини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Улар бугун нималарни ўйлаяпти, улар ҳам фарзандларининг кулиб юришлари, бахтли бўлишларини хоҳлашмаганми? Хоҳлашган. Ҳатто, фарзандларини "оқ" қилган ота-она ҳам юрагининг туб-тубида фарзандининг кулиб турган чеҳрасини кўришни хоҳлайди.

Аммо, бугун бундай ота-оналарнинг боши эгик, тўрт одамнинг орасига қўшила олмайди. Уларни шу кўйга солган лоқайдлик эканлигини ниҳоят тушуниб етишди, лекин, жуда кеч, пешона деворга урилгандан кейин. Афсус. Фарзандни бузғунчиликка бошлаган, ота-онани шу кўйга солган лоқайдлик эканлигини кеч тушунишди.

Лоқайдликдан қўрқиш керак. Чунки оқибати нима билан тугашини билмайсан. Душманинг кимлигини биласан, шунинг учун ундан қўрқмайсан, унга қарши курашиш учун доим тайёр турасан. Лоқайднинг кимлигини билмайсан, демак қачон панд беришини ҳам билмайсан, ўзинг лоқайд бўлсанг, пешонанг қачон деворга тегишини билмайсан, кимларга, қачон, қандай панд берганингни ҳам сезмай қоласан. Ҳа, лоқайдлик ёмон иллат, лоқайдлик — иснод. Яхшиямки, бундайлар орамизда кам. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга, ён-атрофимиздаги воқеаларга бундан 8-10 йил аввалгига қараганда теранроқ муносабатдамиз.

"Тарих ғилдирагини орқага қайтармоқчи бўлган не-не кучларни кўрганмиз, — дейди Косон тумани уруш ва меҳнат фахрийлари номидан кенгаш раиси А.Норқулов ўз хатида — **уларга тарихнинг ўзи ҳакамлик қилган, халқнинг ўзи жазосини берган. Февраль воқеаларидан кейин, ким кимлигини англадик ва ҳали олдимизда бажаришимиз лозим бўлган бир талай вазифалар турганлигини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Тағин, андак бепарво қолганимиздан хижолатдамиз".**

Отахоннинг гапларига қўшилмасликнинг иложи сира йўқ. Собиқ иттифоқ ўрнида ташкил топган бошқа кўпгина мустақил мамлакатлардан фарқли ўлароқ, юртимизда ўрнатилган тинчлик, барқарорлик, фуқаролар тотувлигига осонликча эришилмаётганлигига баъзан лоқайд қараётганлар ҳам бўлмоқда. Агар ўқиган бўлсангиз, яқинда матбуотда босилган "Илон уяси" сарлавҳали мақолада таъкидланган "илон" Мустақиллик арафаси, унинг дастлабки йилларидаёқ оёқларимиз тагида ғимирлаб қолган эди, лекин, афсуски, биз уни сезмаганмиз, кўрмаганмиз. Сезсак ҳам, кўрсак ҳам лоқайд қараганмиз. У эса ўша даврлардаёқ заҳар тўплар, пайт пойлаб ўлжасига ҳамла қилишга тайёрланарди.

Эсингиздами, 1992 йилнинг январида пойтахтимизда, талабалар шаҳарчасида рўй берган воқеалар... "Илон" "демократия" байроғи остида ўлжасини домига тортишга интилганди ўшанда. Ўлжа сифатида талабалар танланганди, болаларимиз унинг домида эдилар. Варақалар тарқатилганди, лекин у вақтда динни ниқоб қилишга ботинишмаганди. Энди оёққа тураётган давлатимизнинг "ёшлиги"дан фойдаланиб, ҳокимиятни ағдаришга қаратилган сўзлар билан варақаларда "демократия ўрнатиш" ниқоби бор эди.

Бугун биз анчагина фаоллашдик. Анча жиддийроқ фикрламоқдамиз. "Илон" ҳар қандай ниқоб киймасин, ҳар қандай "параст"ликларни тиқиштиришга уринмасин, албатта одамларимизнинг ёркин қалб ёгдусида ниқоби йиртилиши аниқ.

"Диний экстремистлар ва фундаменталистларни китоблар орқали билардик. "Февраль воқеалари" ҳужжатли фильми орқали диний экстремистлардан иборат жиноятчи гуруҳларнинг ҳақиқий башарасини кўрдик, уларга қарши курашиш зарурлигини чин қалбдан ҳис этмоқдамиз ", — деб ёзади Хоразм вилояти Гурлан тумани, Дўсимбий қишлоғи фуқаролари номидан З.Машарипов. Ҳа, фуқароларимиз бугун босиқлик билан воқеаларга муносабат билдирмоқдалар, фикри бузуқларга қарши курашиш зарурлигини таъкидламоқдалар. Курашиш деганда фуқароларимиз ўзимизнинг, оиламизнинг, Ватанимизнинг тинчлигини сақлашга барчамиз масъул эканлигимизни таъкидламоқдалар.

"Экрандаги воқеалар тафсилотини кўриб, жабрдийдаларга қўшилиб мен ҳам йигладим, — деб ёзади Арнасой туманидан 6 фарзандининг онаси Анора Йўлдошева. — **Аммо, доим сергак бўлиш керак экан, шунда армонда қолмас экансан. Менинг ва мен каби оналарнинг бугун яна бир армонимиз бор. Муҳаммад Солиҳ ва унга ўхшаган кимсаларни ҳам халқ олдида очиқ суд қилиб, телевизор орқали кўрсатилишини ич-ичимдан кутиб юрибман. Барча ёвузликларнинг бош айбдорлари шулар эканлигига бугун ҳеч кимда шак-шубҳа йўқ".**

Бешкент шаҳридан Муслима Тиркашева, Косон тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Турсунова, меҳнат фахрийси Ҳ.Аминова, Г.Зубайдуллаева, Қамаши туманидан кўп болали она Ҳ.Исроилова, Муборак шаҳридаги онахонлар номидан Шоҳсанам ая Ҳусаинова, Зайнаб Минжасарова, Андижон вилояти Хўжаобод туманидан Маҳбубахон Давлатова, Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидан Г.Умбарова ва бошқа юзлаб оналаримиз ўз хатларида Муҳаммад Солиҳ, Тоҳир Йўлдош, Жума Намонгоний кабиларнинг ҳам одил суд олдида жавоб беришларини талаб қилмоқдалар.

Бугун кимлар портлатиш, қўпорувчилик, террорчилик орқали инсон ҳуқуқларини поймол қилаётганини биз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам равшан кўриб турибди. Ҳамюртларимиз, қўлларини қонга ботирган "демократлар"нинг бу ҳаракатлари демократиянинг қайси бир тамойилига моҳ келар экан, демоқдалар.

Келаётган минглаб мактубларда ҳамюртларимизнинг ҳаётда, бунёдкорлик ишларида янада фаол бўлишга интилиш руҳи барқ уриб турибди. **"Биз кекса авлод кишилари ҳаётнинг кўп қийинчиликларини, иссиқ-совуғини ўз бошимиздан ўтказганмиз. Ёшимиз бир жойга бориб қолган бўлса-да, бу мишиқиларнинг танобини тортиб қўйишга қурбимиз етади",** — деб мактуб йўллашган Қўрғонтепа тумани уруш ва меҳнат фахрийлари номидан Узоқбой ота Саримсоқов ва Бозорбой ота Абдураҳмоновлар.

Одатда душманнинг каттакичиги бўлмайди, у барибир душманлигини қилади, дейилади келаётган хатларда, аммо биз халқмиз, халққа қарши борганларнинг тақдири аниқ ғарғишига учрайди, яшиб ташланади.

"Биз Сурхондарё ёшлари Президентимизга, Ватанимизга доимо содиқ бўлиб, асли Алпомиш авлодлари сифатида қатъиятли бўламиз", — дейилган Бандихон бизнес мактаби ўқувчиларининг шошилинчномасида.

Ушбу мазмундаги мактуб ва шошилинчномалар Қамаши туман "Камолот" ёшлар жамғармаси номидан Б.Шодиев, Нишон тумани "Камолот" ёшлар жамғармаси номидан Г.Йўлдошева, Китоб туманидаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, Оққўрғон тумани "Камолот" жамғармаси номидан Алишер Назаров, Косон тумани ёшлари номидан М.Баратов, Андижон гидромелиорация коллежи ўқувчилари номидан Дилдора Абдураҳмонова ва бошқалар йўллашган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларидан, ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи ва хизматчиларидан, Қуролли Кучларимизнинг зобит ва аскарларидан ҳам келиб турибди.

Андижон туманидаги 1-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Қудратбек Мухторов: **"Мен жонажон Ватаним равнақига бор куч ва билимимни сарфлаб хизмат қилишдек шарафли вазифани ўзимнинг бурчим деб биламан",** — деб ёзади.

Бугунги ёшларимиз "Мустақиллик", "Ватан" тушунчаларининг моҳиятини чуқур идрок этмоқдалар. Бугун-эрта мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар **бурчимни бажараман** деганларида нималарни назарда тутмоқдалар?

Инсон ўзига ишонган тақдирдагина қўлаган эзгу мақсадларига эришади. Ёшларимизнинг "Бурчимни бажараман!" дейишида ўзига бўлган ишонч мустаҳкамланиб бораётганлигини таъкидлаш жоиз. Ёшларимиз қалбида бугун фахрланиш, ғурурланиш ҳисси ўсиб бормоқда, бу — аждодлар билан фахрланиш ҳисси, бу — кўз ўнгимизда кундан кунга чирой очиб бораётган шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз — муқаддас тупроғимиз билан ғурурланиш ҳиссидир. Ана шу ғурурни сақлаш, уни ҳимоя қилишни ёшларимиз ўз бурчлари деб билмоқдалар. Яккабоғ тумани ёшлари номидан А.Жуманов **"Муқаддас юртимизни нокаслардан асраш учун лозим бўлса жонимизни ҳам беришга тайёрмиз",** — деб дил амрини ифода этади ўз шошилинчномасида.

Булар шунчаки сўзлар эмас. Бу сўзларнинг замирида чуқур маъно бор. Бу — ҳаёт мазмунини тобора теран англай бошлаган ёшларимизнинг қалб сўзлари, Ватан манфаатини барча нарсадан устун қўя оладиган қалбларнинг дил изҳоридир. Бундай ор-номуси баланд ўғил-қизларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётганига ишончимиз комил. Уларнинг ортидан Мустақиллигимиз билан бирга дунёга келган, эндигина 8 ёшга кираётган, озодликнинг соф ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, янгича фикрлайдиган авлод етишиб келмоқда.

Норқозоқ ҚУВВАТОВ.

АЁЛ ҚЎЛЛАРИ



Тўрақўрғон тумани бу йил давлатга пилла ва ғалла сотиш режаларини вилоятда биринчилар қаторида бажарди. Бу йил жами 12666 гектар ерда деҳқончилик қилаётган туман деҳқонлари 4500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 49,5 центнердан ғалла етиштирди. 6750 гектар ердаги пахтанинг ҳар гектаридан 33,4 центнердан ҳосил олиш кутилмоқда.

Тумандаги ишлаб чиқаришнинг ривожланишида хотин-қизларнинг роли катта бўлмоқда. Бунда туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Масуда Бегматованинг ишлари диққатга сазовор. Туманда қишлоқ хўжалигида ишлаётган хотин-қизлар 25 мингдан зиёд. Биргина пахтачилик бригадаларини бошқараётган аёллар сони 14 нафар. Қишлоқ хўжалигида 888 та оилавий пудратчи фаолият кўрсатмоқда.

СУРАТДА: туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Масуда Бегматова ва «Олтин водий» жамоа хўжалигида 20 йилдан буён бригадир бўлиб ишлаб келаётган Тоҳирахон Холхўжаева.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва шу асосда ҳукумат қабул қилган қарор ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар Вазирлар Маҳкамасининг умумйиғилишида муҳокама этилди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси, мазкур комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилганидан анча юқори бўлди. Ушбу даврда банклар кассаларига 35,6 миллиард сўм ёки 16,2 фоизга кўп нақд пул келиб тушди. Муомала нақд пул чиқариш ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда кўзда тутилган даражада бўлди. Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида эса муомалалардан нақд пул олишга эришилди.

Мажлисда айрим хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларида маблағларнинг йўқлиги ва улар молиявий аҳволининг қониқарсизлиги оқибатида иш ҳақига доир тўловларнинг тўлиқ амалга оширилмагани, бу борада ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ишида қатъийлик етишмаётгани қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда республика ҳукуматининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қарорларининг Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги ижроси таҳлил этилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Тўлов балансининг даромад қисмини тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ "Савдогарбанк", "Трастбанк" ва "Узприватбанк"да экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ишлари, хорижий валюта тушуми ва корхоналарнинг чет эл валютасини мажбурий сотуви аҳволи юзасидан ўтказилган текширувлар якунлари муҳокама қилинди. Шу масала бўйича ҳар учала банк раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда улар зиммасига жорий йилнинг иккинчи ярмида хорижий валютадаги экспорт тушумлари ҳажмини ошириш ва мажбурий сотувнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев иштирок этди.

(ЎзА)

КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этишга доир қарорларининг шу йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи ҳамда бошқа бир қанча муҳим масалалар республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси, мазкур комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилганидан анча юқори бўлди. Ушбу даврда банклар кассаларига 35,6 миллиард сўм ёки 16,2 фоизга кўп нақд пул келиб тушди. Муомала нақд пул чиқариш ҳажми Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда кўзда тутилган даражада бўлди. Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида эса муомалалардан нақд пул олишга эришилди.

Мажлисда айрим хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларида маблағларнинг йўқлиги ва улар молиявий аҳволининг қониқарсизлиги оқибатида иш ҳақига доир тўловларнинг тўлиқ амалга оширилмагани, бу борада ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ишида қатъийлик етишмаётгани қайд этилди.

Шунингдек, мажлисда республика ҳукуматининг кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қарорларининг Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги ижроси таҳлил этилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Тўлов балансининг даромад қисмини тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ "Савдогарбанк", "Трастбанк" ва "Узприватбанк"да экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ишлари, хорижий валюта тушуми ва корхоналарнинг чет эл валютасини мажбурий сотуви аҳволи юзасидан ўтказилган текширувлар якунлари муҳокама қилинди. Шу масала бўйича ҳар учала банк раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда улар зиммасига жорий йилнинг иккинчи ярмида хорижий валютадаги экспорт тушумлари ҳажмини ошириш ва мажбурий сотувнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев иштирок этди.

(ЎзА)

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИГА ЭЪТИБОР

Бюджет билан ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда бюджетга тўлов тўлаш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ҳукумат комиссиясининг бюджетга тўлов тўлаш интизомини мустаҳкамлаш бўйича кичик комиссиясининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов раислигида ўтган ушбу мажлисда хўжалик юритувчи субъектлар шу йил 1 июлга қадар бюджет билан ҳисоб-китоб қилиши масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, молия ва банк тизими раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, уларнинг бюджетга тўланмаган қарзлар борасидаги фаолиятига қатъий баҳо берилди. Бюджетдан қарздорлик миқдорини камайтириш чора-тадбирларини етарли даражада таъминламаётган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ҳокимликлари фаолияти айниқса қаттиқ танқид қилинди. Ҳоким ўринбосарларининг фаолиятсизлиги оқибатида бу ҳудудлардаги корхоналар, ташкилотлардан тўловларни ундиришда мураккаб вазият юзага келмоқда.

Қарзларни ундириш ҳисобига бюджетни тўлдиришга қаратилган чора-тадбирлар ижроси барча назорат қилувчи органлар эътиборида бўлмоғи керак. Йиғилишда тўлов интизомини бузаётганларни жиддий жавобгарликка тортиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш йўли билан бюджет олдидаги қарзларни қисқа муддатларда тўлаш вазифаси қўйилди.

(ЎзА)

«...Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт».

Ислом КАРИМОВ.

Давлат сиёсатидаги донишмандлик — тараққиёт ва фаровонликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва тадбирларнинг аниқлигида ва изчиллигида намоён бўлади.

Сиёсий арбобнинг, давлат раҳбарининг донишмандлиги — мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, халқининг фаровонлигини, тинчлиги ва тотувлигини ўзига бош мақсад қилиб олиб, уни юзага чиқаришга, ҳимоя қилишга қаратилган қарорлар қабул қила олишида ҳамда шу йўналишдаги фаолиятини қатъият ва собитқадамлик билан амалга ошириб бора олишида кўзга ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўсиб келаётган авлодга эътибори, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги сиёсати айнан шундай моҳиятга эгадир.

Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг кейинги ўн йил давомидаги фаолиятига назар ташланса, асарлари, маърузалари кўздан кечирилса, бир ҳақиқат яққол намоён бўлади: баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш — бу, Юртбошимизнинг доимо диққат марказида турган, юксак орзу-интилишлари ва умид-ишончига айланган мақсадидир. Таъбир жоиз бўлса, бу мақсад Президентимиз ҳаёти мазмунининг асосини ташкил этади.

Йўлбошчимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида бу масаланинг ўта муҳимлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб, жумладан, шундай дедилар:

"Биз олдимизга қандай вазифани қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айттанда, қандай кадрлар тарбиялашимизга боғлиқ".

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида Президент давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари учун истиқболда ҳал қилинадиган мақсад ва вазифаларни олдиндан аниқ қилиб белгилаб бермоқда. Жумладан, таълим ва кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни тарбиялаш жабҳасида биз бунга амин бўлиб келяпмиз.

Шу маънода, Президентимизнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузаси, ҳеч муболағасиз, замонавий воқеликни тафаккур қилишнинг янги, янада юксак даражадаги ёркин намунасидир. Унда мамлакатимиз тараққиётининг XXI аср бўсағаси ва унинг дастлабки йилларидаги стратегик йўналишлари ойдинравшан кўрсатиб берилди.

Ўйлашимизча, ушбу маърузанинг асосида ётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётни эркинлаштириш ғоясини тўла-тўкис идрок этиш учун ҳали биз кўп меҳнат қилишимиз керак. Ундаги фикрлар, ғоялар, қарашлар келгусида кўпдан-кўп ва атрофлича, чуқур таҳлил ва муҳокамаларга мавзу бўлиши табиий.

Президентимиз таъкидлаганларидек, жамиятни маънавий янгиламасдан, республика фуқароларининг озод, мустақил фикрли янги авлодларини тарбиялаб етиштирмасдан туриб, фаровон, қудратли демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятига эришиш қийин бўлади.

Бу жараёнда мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Унинг ғоялари ва мақсадларини рўёбга чиқариш шунчаки кадрлар тайёрлаш ниятидан анча кенг ва ғоятда улкан вазифаларни ўз ичига олади. Миллий дастурни амалга оширишдан бош мақсад ва пировард **натижа — ҳар жиҳатдан баркамол авлодни** тарбиялаш, XXI асрнинг эркин фикрли, ўз ватани ва халқи манфаатларига садоқатли ёркин шахсларни вояга етказишда намоён бўлади.

Бу мақсадга эришиш умумий демократик янгиланишлар жараёни, **жамиятни эркинлаштириш,** мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий муҳитни шакллантириш билан узвий боғлиқдир. **"Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ этиш,** — дейилади маърузада, — **ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз — фаровон, қудратли демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи лозим".**

Бу барча давлат ва жамоат ташкилотлари, табиийки, энг аввало, узлуксиз таълим тизими муассасалари фаолияти мазмунини тубдан қайтадан кўриб чиқишни тақозо этадиган мураккаб жараёндир. Ижтимоий амалиёт, жамоатчилик тарбияси, таълим ва тарбиянинг аниқ мақсадга қаратилганлиги — эркин шахсни шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш, биринчи навбатда, ёш авлод онгига маънавий-ахлоқий анъаналар, инсонпарварлик ва демократик қадриятларни сингдириш орқали таъминланади. Озод, ҳар жиҳатдан баркамол, юксак масъулият ва бурч ҳиссига эга, **"ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган"** шахсфуқароларни вояга етказиш учун қўшимча чора-тадбирлар мажмуасини юзага келтириш ва ҳаётга жорий этиш ҳозирги муҳим вазифалардандир.

Жамиятни маънавий янгилаш жараёнида, шунга асосланилган ҳолда, Ватан маданияти ва миллий санъатини ривожлантириш, уларнинг ютуғини хорижий мамлакатларда тарғиб ва ташвиқ этиш, ёйиш, миллий ва халқаро танловлар, кўриклар ўтказиш каби чора-тадбирларни фаоллик билан амалга ошириш, айниқса ёшлар бадиий ижодиётини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, Ўзбекистон халқларининг бадиий, фалсафий ва педагогик тафаккури шаклланиши ва ривожланиши тарихи, этнография, этногенез, адабиётшунослик, санъатшунослик, ижтимоий-гуманитар фанларнинг барча йўналишларини янги савияга кўтариш талаб қилинади. Мазкур муаммолар доирасида илмий изланишлар олиб боришнинг концептуал асослари Ўзбекистон Президентининг "Тарихий ҳотирасиз — келажак йўқ" рисоласида чуқур таҳлил этилиб, белгилаб берилган. Бу борада тарихий меросни замонавий методологик асосларга суянган ҳолда илмий жиҳатдан талқин қила олишга қодир ёш олимларнинг янги илмий мактабини шакллантириш, ўқувчи ёшлар учун илмий, оммабоп ва ахборот-маълумот бераётган йўналишлардаги адабиётлар нашрини йўлга қўйиш муҳимдир.

Маънавий янгиланиш жараёни миллий байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар шаклида мавжуд бўлган тараққийпарвар миллий қадрият ва анъаналарни қайта тиклаш, уларни ривожлантириш ва замонавий ҳаётга жорий этиш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Бой тарихий маънавий-ахлоқий ва маданий меросни қайта тиклаш ҳамда равнақ топтириш, уларнинг замонавий эҳтиёжлар учун зарурлигини англаб етиш — бу, миллатнинг, халқнинг маънавий соғломлашаётганидан далолатдир. Бу — жамиятимиз улкан салоҳиятининг, маънавий руҳий янгиланаётганлигининг далилидир.

Шу маънода, яқинда миллий кураш бўйича ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатининг якунлари алоҳида аҳамиятлидир. Бу, шак-шубҳасиз, ўзбек халқи маданиятини, республиканинг, унинг Президентининг ички ва ташқи сиёсатини халқаро ҳамжамият тобора кенг эътироф этаётганлигининг яна бир исботидир.

Баркамол авлодни тарбиялаш 24 июнь куни "Маърифат" газетасида эълон қилинган Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавоблари катта аҳамият касб этади.

Мазкур жавобларда Юртбошимиз мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ватанфуруш мунофиқларнинг кирдикорларини очиб берадилар. Давлатимиз бошлиғи ҳаммамизни ҳушёрликка даъват этиб, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбида жамият, эл-юрт, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймони, эътиқоди ва иродасини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шарти эканлигини

ЭРКИНЛАШТИРИШ: ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА

1 2 3

Солиқ тизимида нима гап?

УННИ ЎМАРМА, ДОРИНИ СОТМА

Ўзбекчилик, уч-тўрт киши йиғилди, дегунча дарров, турли хил воқеалар ҳақида гаплашамиз. Нимагадир, мавзу бойлик ва пул билан боғлиқ масалага бориб тақалганда, хулоса ўрнида, ҳамиша «Одам пул учун нималар қилмайди, дейсиз?» деган иборани ишлатамиз. Ҳақиқатдан ҳам, одамлар пул учун нималар қилмайди-а! Чунки, дунёда пуллар ҳар хил бўлганидек, уни топишнинг йўллари ҳам турлича: кимдир деҳқончилик қилиб пул топса, кимдир чорвачилик билан шуғулланиб тирикчилик қилади, яна кимдир эрта тонгдан то шомгача компьютерга термулиб бола-чақасини боқади... Бироқ, орамизда шундай одамлар ҳам борки, ҳеч жонини қийнамайди, қинғир йўллар билан ҳаром бойлик орттиришга уринишади. Ана шундай кимсалардан бири, И. Зоҳиджон ҳамда Т. Муяссархонлардир. Бунга, Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ҳамда шаҳар миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 август куни «Республикада дорилармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ва уларнинг тақсимланиши тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан ўтказган текширишларида амин бўлинди.

И. Зоҳиджон хонадонни кўздан кечирилганда 62 хилдаги жами 83 минг 616 сўмлик, Т. Муяссархон хонодонида эса 33 хилдаги, жами суммаси 394 минг 780 сўмлик турли хил дори-дармонлар ва тиббий буюмлар далилий ашё сифатида олинди. Хўш, буларнинг сифати қандай? Вилоят дори-дармон давлат акциядорлик бирлашмасининг «таҳлил-назорат» бўлими бошлиғининг ўринбосари Авазхон Шокировнинг таъкидлашича, ушбу дорилармонлар истеъмолга яроқсиз, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат регистрига киритилмаган ва Ўзбекистон ҳудудида сотиш ҳамда ишлатиш ман этилганлиги маълум бўлди. Шулардан уч турдагисида психотрон воситалар тоифасига кирувчи юздан ортиқ таблетка ва ампулалар борлиги ачинарли ҳолдир.

Ҳозирда, ушбу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Худди шунингдек, Бешариқ тумани фуқаролари Х. Юнусали ўз ҳамтовоғи Х. Икромжон билан тил бириктириб, пул ишлашнинг янада осонроқ йўлини топишган.

Ўзингизга яхши маълум, ҳар йили ҳам омборлардаги бутдой заҳираларининг таги кўриниб, янги ҳосил тегирмонга тушгунга қадар республикамизда ун маҳсулоти одатдагидан кўра бир оз камайиб қолади. Шу беш-ўн кунлик фурсатдан усталик билан фойдаланган бу икки ўртоқ Жиззах вилоятидан 186 қоп 1-навли, ҳар қопи 45 кг. дан бўлган унларни 3500 сўмдан сотишаётган пайтда тўхтатилди.

Бешариқ туман Давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу текширишда жами бўлиб 651 минг сўмлик ун вақтинча сақлаш учун инспекция ихтиёрига олинди.

Ҳозир, ушбу иш юзасидан ҳам тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Баҳром ОБИДЖОН,
Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи.

Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

САРЧАШМАЛАРИМИЗ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Бошланган ҳар қандай катта ишнинг натижаси вақти келиб сарҳисоб қилинади. Ана шунда унинг ҳақиқий қадр-қиймати яққол кўринади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, йирик арабшунос олим Неъматуллоҳ Иброҳимов ўттиз йилдан ортиқ шуғулланаётган катта иш ҳам мазмун ва моҳияти жиҳатдан шу даражага етдики, бугун унга ҳақли равишда юксак баҳо берилмоқда. Унинг раҳбарлигидаги арабийзабон манбаларни ўрганиш илмий гуруҳи томонидан амалга оширилган тадқиқотлар илм-фан тараққиётига қўшилган катта ҳисса сифатида эътирофга сазовор бўлиб, Беруний номидаги давлат мукофотига тақдим этилди.

Дарҳақиқат, Н. Иброҳимов яратган арабийзабон ёзма манбаларни ўрганиш мактаби ўзбек шарқшунослигининг энг бақувват йўналишларидан бирига айланди. Ушбу мактаб серқирра бўлиб, Ватанимиз ва халқимиз тарихи ҳамда манбаларни илмий истеъмолга киритиш ва оммалаштириш, уларни ўрганишда содир бўлган хато ва нуқсонларни ислоҳ этиш каби фундаментал илмий лойиҳалар унинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Ўтган ўттиз йиллик даврда зикр этилган мақсадларга эришиш йўлида йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Уларнинг натижаси нафақат ўзбек ва рус, балки хорижий, жумладан, араб ва инглиз тилларида, араб мамлакатлари ва Европада қайта-қайта нашр этилгани тадқиқотларнинг объективлиги, илмийлиги ва юксак назарий-амалий долзарблигининг ишончли исботидир.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида бир-икки мисол келтирамиз. Н. Иброҳимовнинг араб халқ оғзаки ижодиётига бағишланган тадқиқотлари, арабларнинг ўз эътирофича, араб халқи маънавияти ва маданиятининг ушбу, деярли ўрганилмаган соҳасига бўлган муносабатда туб ўзгариш содир этган бўлса, унинг машҳур араб сайёҳи Ибн Баттутанинг илмий меросини ўрганишга қўшган шахсий ҳиссаси Ватанимиз ўтмишига оид ўта муҳим ва бой сарчашмалардан бирини очиш билан баробар, хорижий дунёнинг Ўзбекистонга бўлган ҳурмати ва қизиқишини сезиларли оширди.

Маълумки, арабийзабон жуғрофий манбалар мамлакатимизнинг ўрта асрлар тарихи бўйича энг бой сарчашмалар гуруҳини ташкил этади. Турли-туман йўналишдаги ва ҳар хил мамлакатларга мансуб сайёҳлару олимлар томонидан яратилган тадқиқотлар, саёҳатномалар ва ёдномаларни ўрганиш натижалари халқимизнинг ҳақиқий тарихи яратилаётган ушбу кунларда алоҳида аҳамият касб этади.

Н. Иброҳимов мазкур ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаётган олимдир.

Ўзбекистонда, шунингдек Буюк Британия ва Россияда нашр этилган «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» китоби Н. Иброҳимов асарлари ичида алоҳида ўрин тутади. Мазкур ишнинг мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятини белгилайдиган биргина омилга ўқувчиларнинг эътиборини қаратмоқчиман. Ибн Баттута Ўрта Осиёга XIV асрнинг биринчи ярми, яъни диёримиз тарихидаги энг оғир босқичлардан бири — мўғул босқинчилигининг аянчли оқибатлари ҳали бартараф этиб тугатилмаган даврда келган. Бундай шароитда дунёнинг турли-туман мамлакатларида шахсан бўлган ва кўпни кўрган Ибн Баттутадек қомусий билимлар соҳибининг халқимиз ва Ватанимиз ҳақидаги мулоҳазалари жуда аҳамиятлидир. Улар ҳақида қисқача қилиб айтиладиган бўлса, буни қуйидагича ифода этиш мумкин. Ўрда Осиё, хусусан, унинг энг қадимий ҳамда доимий илмий-маърифий ва маданий-маънавий маркази бўлиб келган Ўзбекистон ўз тарихининг ўта мураккаб даври — XIII-XIV асрларда ҳам ўзининг миллий қиёфасини йўқотмаган, азалий миллий-маънавий анъаналарига содиқ, бошқалардан фарқли жозибадор ўзлигига эга, юксак маданият маскани ва ривожланган илмлар маркази бўлиб қолаверган.

Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий маданият марказларига мўғуллар етказган моддий ва маънавий зарарга қарамасдан, Ибн Баттута томонидан улар юксак ривожланган қадимий маданият марказлари сифатида таърифланади. Уларнинг табиати, халқининг нозиктаъблиги ва ҳалоллиги, ўз миллий анъаналарига содиқлиги ҳамда одатларининг кўркамлигию, жозибадорлиги сайёҳ томонидан жуда илиқ тасвирланади.

Ибн Баттута ёдномаларида Хоразм, Самарқанд ва Бухородаги маънавий-диний ҳаёт ҳақида муҳим мулоҳазалар баён этилган. Уларнинг энг эътиборли томони шундаки, мўғуллар истилосидан кейинги оғир даврда ҳам ўзбек халқи ўзининг гўзал ва мўътадил диний қарашлари билан ажралиб турган. Ўзбекларда ўрта асрлардаёқ одат тусини олган азиз-авлиёларнинг мозорларини эъзозлаш анъаналари буюк мутасаввиф ва халқимиз қаҳрамони Нажмиддин Кубро мақбараси мисолида жозибали ва ишончли кўрсатилади. Бухоро — муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий ватани, исломий илмлар маркази сифатида катта ҳурмат билан тасвирланса, халқ орасида кенг тарқалган урф-одатлар — дўстона хайрихоҳлик билан, бу ердаги мусулмон маданиятининг қадимий ёдгорликлари ҳақида — ҳайрат ва эъзоз билан гапирилади. Ибн Баттутанинг «бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатларимда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ, олийжаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмадим. Улар намозни шундай чиройли тартибда ўқийдиларки, буни бошқа ҳеч қаерда кўрмаганман», — деган сўзлари юқоридаги фикрнинг исботидир.

Ибн Баттута хотираларидан ўзбек давлатчилигида ўрта асрлардаёқ жамиятни бошқариш ишларида дунёвийлик ва диний-лик тамойилларининг бир-биридан аниқ-тиниқ ажралиб турганлиги мисолларини ҳам топиш мумкин. Хоразм амири билан мулоқоти ҳақида эслаб, у айтади: «Бу амирнинг одати шундай эканки, қози ҳар куни унинг қабулхонасига келиб махсус жойга ўтирар, у билан бирга фақиҳлар ва ёзғувчилар келишар экан... Одамлар шу мансабдорларга ўз шикоятларини айтишади. Агар иш шариатга оид бўлса — қози, бошқа ишларга оидларини — амирлар ҳал қилиб берадилар».

Н. Иброҳимовнинг келажакка қаратилган режалари ҳам диққатга сазовор. Уларнинг энг йириги — голландиялик арабшунос олим Де Гуе томонидан XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Лейденда нашр этилган ўрта асрларга оид арабийзабон тарихий ва жуғрофий манбаларнинг ўн жилдлик мажмуасига киритилган асарларнинг Ўрта Осиёга оид қисмини ўзбек тилига таржима қилиб, зарур изоҳлар билан таъминлашдир. Мазкур ишнинг амалга оширилиши азиз Ватанимизнинг ҳолисона тарихини яратишдек муҳим ва шарафли вазифани бажараётган мутахассисларга бебаҳо туҳфа бўлишига шубҳа йўқ.

Келтирилган мисоллар Неъматуллоҳ Иброҳимов томонидан илмий истеъмолга киритилган ўрта асрларга мансуб арабийзабон манбалардаги халқимиз тарихи ва маданияти, унинг ибратли маънавий қиёфаси ҳақидаги маълумотлардан бир қатра, холос. Ўйлаймизки, халқаро миқёсда эътибор топган атоқли шарқшунос олим Н. Иброҳимов ишларининг Абу Райҳон Беруний номли давлат мукофотига тавсия этилиши катта ва ҳақиқий илмий жасорат самарасига берилган холис баҳодир.

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ,
сиёсий фанлар доктори, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг раиси.



Деҳқон меҳнатининг самараси кун ва соат сайин кўзга ташланмоқда: оби-тобида парвариш қилинган ғўза ниҳоллари кўкка бўй чўзиб, ҳосил ништоналарини тобора кўпроқ тўплаяпти. Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги Узоқов номли фермер хўжаликлари уюшмаси далаларида ҳозир ҳудди шундай манзарани кузатиш мумкин. Айни пайтда ушбу хўжалик пахтакорлари ғўза зараркунандалари ва ҳашаротлар кўпайишининг олдини олиш юзасидан ҳам амалий чораларни кўрмоқдалар. Бунда шу ерда ташкил этилган биофабрика қўл келаётир.

СУРАТЛАРДА: биофабрика лаборанти Наргиза Алиқулова; хўжалик бош ҳосилоти Аҳмаджон Рисбоев ва механизатор Норқўзи Анорбоев культивация сифатини кўздан кечиришаяпти.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



НЎХАТ ПОЯСИ – КЎСАК ҚУРТИ КУШАНДАСИ

Пахтачилик ва ғаллачиликда илғор тажрибаларни дадиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келаётган изобасканлик уста деҳқон Абдуллажон Акбаров бу йил ғўза парваришида яна бир янгиликни қўллади.

Маълум бўлишича, ота-боболаримиз пахтачиликда катта зарар етказадиган кўсак қуртига қарши нўхат экиш билан қурашган эканлар. Шу асосда Абдуллажон ака ҳам пахта далалари ҳар бир қаторининг кун ботар томонига бир эгат — бир қатор нўхат экишни йўлга қўйди. Кўсак қурти нўхат поялари, баргларининг юмшоқлиги ва мазалилигини ҳуш кўрар экан. Қарабсизки, барча кўсак қуртлари ғўзани тарк этиб, нўхат пояларига ўзини урган.

Мутахассислар ғўза оралаб нўхат экилган карталарда бирорта ҳам кўсак қурти топа олмагандан кейин бу усулни бошқа хўжаликлар пахтакорларига ҳам тавсия этдилар.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

ЯНГИ БОСҚИЧ

Жамиятни эркинлаштириш шароитида таълим жараёнини ташкил этиш ва унинг моҳиятини тубдан янгилаш **таълимнинг** тобора **инсонпарварлашувини, уни гуманитарлаштириш ва демократлаштиришни** кучайтиради.

Ўқувчиларнинг қобилиятини ва иқтидорини ҳар жиҳатдан намоён этиш, миллий ва умуминсоний идеаллар ва қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, шахс, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларида уйғунликка эришув, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатни анъанавий "Устоз-шогирд" ўзаро муносабатларига хос чуқур инсоний эҳтиромли асосларга олиб чиқиш — **таълимни инсонпарварлаштиришнинг** бош йўналишларидир.

Таълимни **гуманитарлаштириш** эса ўқувчиларда бой эстетик дунёқарашни, юксак маънавиятни, маданий ва ижодий тафаккурни изчил шакллантириб боришни, шу асосда профессионал таълим дастурлари мазмунини ҳар жиҳатдан баркамол шахсни тарбиялаш устуворлигини таъминлаш вазифаларидан, ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Таълим-тарбия тизимига "Мантиқ", "Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати", "Жаҳон санъати тарихи", "Жаҳон динлари тарихи" каби махсус курсларни киритиш таълим жараёнини гуманитарлаштириб боришни таъминлашнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлмоғи лозим.

"Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" махсус ўқув курсининг ҳам узлуксиз таълим тизимига киритилиши таълим жараёнини гуманитарлаштиришнинг, ёшларда янги сиёсий маданият ва фаолликни шакллантиришнинг гаровидир.

Жамиятни эркинлаштириш ғояси бевосита таълим амалиётида ўз ифодасини топиши керак. Шу билан боғлиқ ҳолда ***"ўқиш-ўқитиш"*** тушунчасининг ўзини ҳам тубдан қайта идрок этишнинг пайти келди.

Янги шароитда "ўқиш-ўқитиш"деганда биз, билим олиш ва ҳаётий масалаларга ёндашувда шахснинг ташаббускорлигини уйғотишни тушунишимиз лозим. Яъни, ўқув-тарбия жараёни шундай шахсни тарбиялаб етиштириши керакки, у тез ўзгараётган дунёда юз бераётган янги вазиятларни тўғри таҳлил этиб, унда ўз ўрнини вақтида ва аниқ топа билсин.

Модомики шундай экан, ўқув-тарбия жараёни янги шароитда ўқувчига зарур йўлланма бера оладиган имкониятларга эга бўлиши, уни янги билим, кўникма, усул ҳаётий ва ахлоқий тажриба билан қуроллантирмоғи керак.

Анъанавий педагогик технология "ўқиш-ўқитиш"нинг олдида турган бундай янги вазифаларни бажаришга йўналтирилмаган эди. У моҳият эътибори билан "суяниш"га асосланган ўқув-тарбия жараёни эди, холос.

"Суяниш" усулидаги ўқув-тарбия жараёни ижтимоий муносабатларнинг мавжуд тизимини барқарор сақлаб қолиш ва шахсни итоаткорлик шароитида шакллантиришга қаратилган эди. Шу боисдан бундай "ўқиш-ўқитиш" шахсда боқимандалик ҳиссини кучайтиришга кўмаклашар эди, холос.

Узлуксиз таълим тизимини шакллантиришнинг янги стратегияси ва уни ривожлантириш, "ўқиш-ўқитиш"нинг ўзгарган моҳияти ***"суяниш"*** усулидаги ўқув-тарбияни "инновацион" ўқув-тарбия тушунчаси билан алмаштиришни тақозо этмоқда.

Инновацион ўқув-тарбияда шахснинг қадр-қиммати билан боғлиқ мезонларга онгли равишда урғу берилади ва унда шахснинг профессионал-ижобий, ахлоқий, маънавий, жисмоний салоҳиятини юзага чиқариш бош йўналишга айланади. Бундай йўналиш қуйидаги камида икки вазифани хал этишни ўз ичига олади:

Биринчидан, янги усул, педагогик технология ўқувчида ҳаётни кузатиш ва таҳлил эта олиш, воқеалар ривожини "олдиндан кўриш" қобилиятини ривожлантириши, мавжуд воқеликда ўз ўрнини ҳамда ижтимоий ва касбий мавқеини англаб етишига, шахснинг ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб, хулқ-атворда, эътиқодда, ишончда, ахлоқий қадрият оламида, умуман дунёқараш жабҳасида энг тўғри, муқобил йўлни топишига кўмаклашиши лозим.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий ҳаётда "Иштирок этиш тамойили"ни шакллантириш муҳим вазифадир. Бу, шундай тамойилки, у шахснинг ижтимоий жараёнда фаол иштирок этиб, муҳим ва профессионал жиҳатдан салмоқли қарорлар қабул қила олишини таъмин эта олсин,

Демократлаштириш жараёни таълим муассасаларида давлатчиликдан ижтимоий ўзини ўзи бошқарув шаклига ўтишни фаоллаштиришни, ўқув юртларининг таълим ва тарбия услубларини танлашда мустақиллигини кенгайтиришни талаб қилади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ушбу вазифалар ўз ўрнини топган. Бу йўналишда жамоат ташкилотлари, айниқса ёшлар ва болалар тарбияси билан боғлиқ муассасаларнинг роли кучайтириб борилиши талаб қилинади.

Мактаблар, лицейлар, коллежлар ва олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнини ташкил этишга илғор ўқув дастурларини, маросимлар, байрам тадбирларини, урф-одатларни, педагоглар ва ўқувчиларнинг "педагогик ҳамкорлик"га асосланган янги муносабатларни сингдириб бориш лозим бўлади. Таълим маъсассаларини бошқаришда ота-оналар, тадбиркорлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бошқа ижтимоий ҳаракатларнинг вакилларини ўз таркибига олган кузатиш ва оталик кенгашларини ташкил этишни ҳам таомилга киритиб боришнинг ўз самараси бор.

Шунингдек, "Маърифатпарварлар", "Тарихчилар", "Файласуфлар" каби миллий жамиятлар ва бошқа жамоа ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг таълим тизимини янгилашдаги ўрни ва хизмати ҳам ғоятда муҳимдир. **"Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади"**, — деб таъкидлайди Президентимиз Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузасида. Жумладан, "Маърифатпарварлар" жамиятининг мақсади тараққийпарвар ижтимоий кучларни, жамиятдаги барча қатламлар ва ижтимоий гуруҳларни, айрим фуқароларни **"Ўзбекистон — келажаги буюк давлат"** миллий ғояси мустақиллик ва демократия тамойилларини юзага чиқариш мақсадлари йўлида бирлаштириш, таълимни ривожлантириш, унинг моддий-техник ва илмий-услубий базасини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан баркамол шахсларни, Ватан фидоийларини тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга кўмаклашиш, маърифатпарварлик ғояларини ва юксак маънавийликни оммалаштиришни ўзига бош мақсад деб билади.

Бутун мамлакат аҳолисининг умумий ва профессионал маданиятини кўтаришга йўналтирилган маданий-маърифий фаолиятни ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш давр талабидир. Бу ўринда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг маърифатпарварлик йўналишидаги фаолиятини кучайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Телевидение кўрсатуви ва радио эшиттиришларини янада "интеллектуал"лаштириш, болалар ва ўсмирлар учун адабиётлар нашрлари сифатини янада яхшилаш соҳасида катта ишлар амалга оширилиши керак. Президентимизнинг юқорида эсланган маърузаларида айтилганидек, **"Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва, тушунчаларини ҳимоя қилиш, одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим"**.

Йўлбошчимиз **янги ижтимоий онгни** шакллантириш жараёнини муҳим стратегик вазифа сифатида белгиладилар. Ижтимоий онг чуқур шаклланса, унда ҳар хил мафкуравий таъсирларга ўрин қолмайди. Бундай онгли шахс ижтимоий жараёнларни мустақил мушоҳада орқали идрок этади ва ўз қарашларини эркин ифода этадиган бўлади. Бу жараённинг самарадорлиги шахснинг ижтимоийлашув даражаси, муҳим вазифаларни бошқара олиш қобилиятини ўзида шакллантириши, ҳаётда онгли равишда иштирок этиш, ижтимоий жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш, мамлакат тақдири учун масъуллигини сезиш каби фазилатларда аниқ намоён бўлади. Булар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширади, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик асосларнинг такомиллашувига йўл очади.

Янги ижтимоий онгни шакллантириш демократик жамият устуворликларига хос бўлиб, у икки муҳим омил таъсирида юз беради: аввало, бевосита ижтимоий амалиёт таъсирида, шунингдек, аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнида. Бу ўринда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Кучли ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёни аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришни, фуқароларнинг янгича тафаккурга эга бўлишини тақозо этади.

"Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур", — дейилади Президентимиз маърузасида. Бунинг учун, биринчидан, тафаккурда сақланиб келаётган, қонун алоҳида ижтимоий гуруҳ ва шахслар учунгина мавжуд, деган эски ақидани бартараф этиш лозим. Қонун олдида ҳамма баробар, деган қоидага ишончсизлик билан қарашни ўзгартириш даври келди. Иккинчидан, Президентимиз таъкидлаганидек, ижтимоий ҳаётда **"Инсон ҳақ-ҳуқуқларининг беқиёс қадрият аҳамиятини англаб етиш туйғуси тобора юксалиб бормоқда"**.

Ҳуқуқий маданият ижтимоий амалиёт таъсирида ва таълим жараёнининг натижаси сифатида шаклланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданият жамиятда юз бераётган ўзаро муносабатлар, объектив шарт-шароитлар муҳитида англанади. Ҳуқуқий меъёрлар шахслараро, ижтимоий гуруҳлараро, ўзаро муносабатларнинг кўп йиллик тажрибаси асосида юзага келади. Ўз навбатида, ҳуқуқий тизим одамларнинг ҳуқуқий онгига ўз таъсирини кўрсатади. Қонунга ҳурмат — фундаментал қадриятлардан биридир. Жамиятнинг, шахснинг ҳуқуқий маданияти шаклланишида қонунчиликнинг ҳукмронлиги ва жазонинг муқаррарлиги тамойиллари принципиал аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан узлуксиз таълим тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнида таълимда шундай қоидалар ва механизмлар жорий қилинмоқдаки, улар ҳуқуқий давлат тамойилларига тўла жавоб беради. Шахсни шакллантиришнинг ҳар бир босқичида аниқ мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия орқали фуқаронинг ҳуқуқий билими, ҳуқуқий тафаккури ва ҳуқуқий маданияти қадамба-қадам чуқурлаштириб борилади.

Жамиятни эркинлаштириш жараёни шахснинг қобилияти ва иқтидорини ҳар жиҳатдан намоён этиш учун имконият ва шарт-шароитлар яратибгина қолмайди, балки инсондаги руҳий-маънавий ва интеллектуал салоҳиятининг тўла намоён бўлишини талаб ҳам қилади.

Давлат ва жамият ривожидаги янги, эркинлаштириш даври ҳар биримизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури имкониятларини янги босқичда намоён этишга, унинг талабларини юзага чиқариш борасида юксак масъулиятли бўлишга ундайди.

Эркинлаштириш, жамиятни маънавий янгилаш — давлат ва жамият ҳаёти иқтисодий, сиёсий жабҳаларидаги эркинлаштиришнинг бош омили, кафолатидир. Бу — давр талаби, **XXI аср синовларига бизнинг муносиб жавобимиз бўлади.**

"Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, — дейилади Президентимизнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" маърузасида, — **ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир".**

Шавкат ҚУРБОНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси вазирликнинг назорат-тафтиш бош бошқармаси ходими

Ботир ИСОҚОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Сифат» маркази жамоаси Андижон лабораториясининг бошлиғи Маҳмуджон Юлдашевга отаси

Маданинжон ЮЛДАШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Зарафшон» ОТҲЖ жамоаси бош директор Мансур Абдуваҳобовга волидаи муҳтарамаси

Ўғилбиби РАИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Футбол

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИМИЗДА...

ТАНАФФУС

Миллионлар ўйини деб атаганимиз футбол ўз мухлисларига бетакрор лаҳзалар ҳадя эта олишини бугун ҳеч кимга исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, ҳақиқий ишқибоз севимли жамоаси тўп сураётган 90 дақиқа давомида ташқи дунёдан тамоман узилиши, бутун вужуди ила тўрт бурчакли яшил майдонга тикилиши ҳам сир эмас. Ҳа, азизлар, футбол ана шундай ўйин, чарм тўп мухлислари ана шундай «ашаддий».

Мустақиллик боис ўзбек футболи ҳам халқаро миқёсларга кўтарилди, ривожланиш йўлига тушди. Ҳатто бир пайтлар ожиза деб атаганимиз аёллар, қизлар ҳам бугун яшил майдонда жавлон уриб тўп тепишмоқда. Бу йил мамлакатимизда аёллар футболи бўйича республикамизнинг учинчи миллий чемпионати ўтказилаётгани ҳам фикримиз далилидир.

— Республикамизда аёллар футболи ривожланиб бормоқда, — дейди мамлакатимиз Футбол федерацияси бош котиби Зокир Қурбонов. — Ҳар ҳолда вилоятларда ҳам бу турга эътибор кучаймоқда. Қизларимизнинг маҳорати ўсаяпти. Миллий чемпионатдан ташқари Наманганнинг «Гулбаҳор», Андижоннинг «Андижон» командалари Ўрта Осиё жамоалари мусобақасида ҳам қатнашиб мамлакатимиз шарафини ҳимоя этишди.

Аёлларимиздан фарқли ўлароқ, саккизинчи марта мамлакат чемпионлиги учун курашаётган эркаклар олий лига жамоалари дастлабки давра ўйинларини якунлаб 1 августга қадар танаффусга чиқишди. Ўзбекистон Футбол федерациясидан олинган маълумотларга қараганда, биринчи даврада 120 та учрашув ўтказилган. Ушбу беллашувларни жами 1 млн. 301 минг футбол мухлислари бевосита стадионларга келиб томоша қилган. Бу ҳар ўйинга ўртача 10 минг нафар 700 нафар чарм тўп ишқибози ташриф буюрди деганидир.

Ўтказилган XV турдан кейин турнир жадвалида 37 очко тўплаган «Дўстлик» ягона пешқадам бўлиб турибди. Кейинги поғоналарни эса «Самарқанд», «Навбаҳор», «Нефтчи», «Хоразм» жамоалари банд этишган. Биринчи лигага қайтиш учун бериладиган иккита «йўлланма»га ҳозирча «Янгиер» ва «Сурхон» «даъвогарлик» қилмоқда.

Хўш, саккизинчи мавсумнинг олдинги чемпионатлардан фарқи асосан нималарда кўринади?

— Бу йил ғолибликка даъвогарлар сафида янги жамоалар пайдо бўлди, — дейди З. Қурбонов ўз сўзида давом этиб. — Фикримча, чемпионлик учун кураш ҳам айнан ана шундай янги жамоалар саналган «Дўстлик» ва «Самарқанд» ўртасида кечса керак. Шунингдек, «Навбаҳор», «Нефтчи», «Пахтакор», «Хоразм», «Бухоро» жамоаларининг ҳам таркиби кучли эканлигини, улар ҳам иккинчи даврадаги беллашувларга жиддий ҳозирланаётганини эсдан чиқармаслик лозим.

— Чемпионатдаги танаффусдан фойдаланиб миллий терма жамоамиз ноябрь ойида ўтказиладиган Осиё кубоги саралаш беллашувларига тайёргарликка киришиб кетган бўлса керак? — сўрайман Зокир акадан.

— Албатта. Терма командамизни ушбу масъулиятли учрашувларга «Самарқанд» жамоаси бош мураббийи Маҳмуд Раҳимов тайёрлаяпти. Унга тажрибали тренерларимиздан Виктор Борисов, Зафар Расуловлар ёрдам беришаётир.

Саралаш учрашувларигача бир ,қанча ўқув йиғинлари ўтказишни режалаштирганмиз. Дастлабки йиғинимиз шу кунларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётганидан хабарингиз бор. 15-23 июль кунлари эса Таиланд ва Германияга сафар қилишни мўлжаллаяпмиз. 18 август куни Озарбайжон миллий терма жамоаси мамлакатимизга келади. Бу ўртоқлик учрашувида асосий таркибни шакллантириб олишга умид боғлаяпмиз.

Футбол мухлисларига эслатиб ўтамизки, терма жамоамиз 20 ноябрдан бошлаб учинчи саралаш гуруҳида БАА, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Бангладеш терма жамоаларига қарши тўп суришади.

Энди ўйинлар тартибини белгилаш хусусида. Қизиғи шундаки, бу масала ОФК томонидан БААга топширилди. Учрашувлар жадвалига назар солган ҳар қандай футбол ишқибози у майдон эгалари манфаатини кўзлаб тузилганлигига амин бўлади. Биз кетмакет тўрт учрашув ўтказамиз ва ҳар сафар бир тур дам олган жамоага қарши майдонга тушамиз. БАА футболчилари эса биз билан охирги турдан олдин ўйнайди. Нима бўлганда ҳам олдимизга битта мақсадни қўйганмиз: финал баҳсларига йўлланмани қўлга киритиш. Бунинг учун қўлимиздан келган барча ҳаракатни қиламиз.

Озод РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ҲАМ УСТОЗ, ҲАМ ҚЎЛИ ГУЛ УСТА

Самарқандликлар Ҳамроқул Ҳайдаровни меҳрибон устоз, қўли гул уста сифатида яхши билишади. Ҳамроқул аканинг асли касби ўқитувчи. У узоқ йиллар давомида ўқувчиларга математикадан таълим берди. Мана шу вақт мобайнида жуда кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳамроқул Ҳайдаров Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

Ҳамроқул ака айни кунларда пенсияда. Бироқ меҳнатда чиниққан бу инсон бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Тез орада қадрдон иши — устачилик билан шуғулланишга киришди. У ўзбек миллий созларини маҳорат билан ясайди. Кези келганда айтиш керакки, Ҳамроқул ака ясаган ўзбек чолғу асбоблари хорижликларнинг ҳам эътиборини тортган эди.

Яқинда устахона ҳамда дўкон учун жой ажратиб берилди. Бундай имконият Ҳамроқул акани қизғин ижодга чорласа, ажаб эмас.

СУРАТДА: Ҳамроқул Ҳайдаров кичик ўғли Дилмуродга соз ясаш сирларини ўргатмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

VENOASIA

"ВЕНО-ОСИЁ" таклиф этади

БОЛГАРИЯ КУРОРТЛАРИ:

• Қуёшли соҳил, Приморск, Несебр, Дюни.

Тошкент-Бургас чартер рейслари

МАХСУС НАРХЛАР!

5-ёшгача бўлган болалар учун бепул авиапарвоз,
янги қурилган оилалар учун 10% чегирма.

12 ёшгача бўлган болаларга чегирмалар

Болгария орқали Қоҳира ва Истанбулга қўшимча саёҳатлар

Манзил: Тошкент ш., Абай к., 6.
Тел.: (371) 144-48-83, 144-48-16.

1800

Очиқ акционерлик жамияти шаклидаги

«ВИРТЕХ-АГРО»

Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси

накд сертификат кўринишидаги қўшимча 100.000 дона, номинал қиймати 10.000 сўмлик, умумий қиймати 1000.000.000 сўмлик оддий эгаси ёзилган акциялар чиқариши ҳақида эълон қилади.

Эмиссия проспекти 1999 йил 2 июлда P0044-2 рақами билан рўйхатга олинган.
Корхонанинг асосий фаолияти — бройлер паррандачилик.

Акцияларни сотиб олиш ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилда олишингиз мумкин:
Тошкент-47, Моваройннаҳр тор кўчаси, 97 «А».
Телефонлар: 133-18-12, 133-51-88, 133-41-90.

1928-a

ЭЪЛОН

1999 йилнинг июль - август ойларида «Ўзинбанк» Ҳ.Ж акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказишни режалаштирмоқда.

Акциядорларнинг рўйхатини аниқлаш мақсадида бир ҳафта ичида ўзингизга тегишли маълумотларни телефон ,факс орқали 169-69-46 рақамига қўнғироқ қилиб,маълум қилишингизни сўраймиз.

1. Юридик шахснинг аниқ номи.
2. Юридик ва ҳақиқий манзил, телефон, факс рақами.
3. Акцияларнинг сони ва рақами, ёки банк акционери мақомини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг рақами ва берилган вақти.
4. Акционерлар йиғилишида иштирок этадиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми.
5. Жисмоний шахслар қуйидагиларни хабар қилишади: акция рақами ёки акциядорнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, фамилияси,исми ва отасининг исми, алоқа телефони ёки манзили.
6. «Элава Ко» фирмаси томонидан сотиб олинган имтиёзли акциялар эгаси бўлган акциядорлар ҳам худди шунга ўхшаш маълумотларни хабар қиладилар ва битта акциянинг «сотиб олинган» вақтидаги қўшимча бозор нархини ҳам маълум қиладилар.

Банк тугатилиши даврида акцияларни сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар ҳам худди шунга ўхшаш маълумотларни хабар қиладилар, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тугатиш комиссияси томонидан «Ўзинбанк» Ҳ.Ж.да рўйхатга олинган куни ҳам кўрсатилади.

Шу билан бирга қуйидагиларни маълум қиламиз, тугатиш комиссияси томонидан 11.09.1996 йилги Баённома бўйича акциядорлар ҳисобидан ўтказилган тайинловлар Юнусобод судининг 14.08.1998 йил қарори билан ноқонуний деб топилган.

Суд қарори 18.03.1999 йилдан бошлаб қонуний кучга кирган.

Ф/1931 ***Акционерлар кенгаши.***

«ВИРТЕХ-АГРО»

Ўзбекистон-Россия-Америка қўшма корхонаси



бир кунлик АҚШда урчитилган «АРБОР-АЙКРЕС» зотли бройлер жўжаларни сотади.

Бу жўжалар 45 кунда 2 кг. вазнга етади.
Харидорларга юқори малакали мутахассисларнинг маслаҳатлари бепул берилади.

Манзилимиз: Ўзпаррандасаноат биносида (Митрофанов номли сув спорти саройи рўпарасида).
Телефонлар: 133-18-12, 133-51-88, 133-41-90.

1928-b

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ТУРИ БЎЛГАН ЗАМОНАВИЙ, ИШОНЧЛИ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ —

«АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» йўл чекларини


ТАКЛИФ ЭТАДИ

ЭНДИ ЧЕТ ЭЛДА ЮРГАНИНГИЗДА ПУЛ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЎТКАЗИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ АНЧА ҚУЛАЙ БЎЛАДИ.

«АМЕРИКАН ЭКСПРЕСС» ЙЎЛ ЧЕКЛАРИ БУТУН ДУНЁДА ЭНГ ОММАБОП ТЎЛОВ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС:

- ***«Американ Экспресс» йўл чеклари бутун жаҳонда — аксарият банклар ва айирбошлаш пунктларида нақд пулга алмаштириб берилади. АҚШ да эса бу чеклардан нақд пул ўрнида фойдаланишади;***
- ***миллионлаб дўконлар, меҳмонхоналар, ресторанларда Сиз бевосита шундай чеклар билан ҳақ тўлашингиз мумкин;***
- ***«Американ Экспресс» йўл чеклари — муддатсиз. Сиз уларни кейинги гал чет элга боргунингизча сақлаб туришингиз мумкин;***
- ***йўл чекларини сотиб олаётганингизда Сиз биттагина имзо билан ўзингизни хатардан холи қилиб олишингиз мумкин . Чекнинг чап юқори бурчагига имзо чекиб қўйинг, уни нақд пулга алмаштираётганингизда эса, пастки чап бурчакка имзо чекасиз. Шунда дадил айтиш мумкинки, ўзингиздан бошқа ҳеч ким Сизнинг пулларингиздан фойдалана олмайди;***
- ***Чекларнинг яна бир афзаллиги бор. Агар «Американ Экспресс» йўл чекларини йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, Сиз қаерда бўлишингиздан қатъи назар , бу пулингизни 100 фоиз ундириб олишингиз мумкин. Бунинг учун телефон орқали бир мартагина қўнғироқ қилиб, айрим маълумотларни хабар қилишингиз кифоя. Кейин яқин орадаги банкда, «Американ Экспресс» банкомати ёрдамида ёки фирманинг агентликларидан бирида Сизга йўқолган чеклар ўрнига янгисини беришади.***

Қўшимча афзалликлар: мабодо Сиз бошқа ҳужжатларингизни йўқотиб қўйсангиз, кредит карточкаларингиз бекор қилинса шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб қолсангиз, «Американ Экспресс» нинг бутун жаҳонда ишлаб турган 1700 агентлигидан ҳар қайсиси Сизга ёрдам беради.



NBU

Йўл чеклари сотиб олиш масалалари бўйича қўшимча маълумот олиш учун пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилинг.

Алоқа учун телефон: 137-62-83.

СИЗ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ИСТАЛГАН БЎЛИМИДА ЙЎЛ ЧЕКЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САЁҲАТДА ЯХШИ ДАМ ОЛИШИНГИЗНИ ВА АМАЛИЙ САФАРЛАРИНГИЗ ҚУЛАЙ ЎТИШИНИ ТИЛАЙМИЗ.

Ф/1926

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ғ. Шермуҳамедов.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти— *22.45*
1 2 3 4 5 6